

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда иситиши тизимини жорий таъмирлаш
ишларини бажариш бўйича
8 - сонли ШАРТНОМА**

“19” 11 2022 йил

Данғара тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи “NEW-PROF STROY” МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбари **Қ. Гафуров** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи “Данғара туман 2-сон касб-хунар мактаби” номидан (келгусида “Буюртмачи” деб аталади) раҳбари **Б. Мирхамидов** ўрталарида Танлов асосида шаклланган ва лойиха сметага асосан куйидаги максадларда тузилади:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1 «Пудратчи» «Буюртмачи» га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради. Спорт зал том ва ички кисмини жорий таъмирлаш.
- 1.2 Жорий таъмирлаш ишларини 2022 йил 4 ноябрдаги № 22110012177351 - рақамли лотга асосан лойиха смета хужжатлари бўйича бажариб бериш.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

- 2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати **15% КҶС** билан хисобланганда **192 000 000 (бир юз тўқсон икки милион)** сўмни ташкил қиласди.
- 2.2 Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилади ва ўзаро келишувига асосан ушбу шартномага илова қилинади.
- 2.3 Бинони жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати 20 (йигирма) иш куни.

3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб сметада кўрсатилган нархларда, хар ойда бажарилган ишлар далолатномаси, счёт-фактура ва бошка тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Буюртмачи” томонидан кабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар преискурантлари асос бўлиб хисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар топилса, хато ва камчиликлар ушбу фарқ «Пудратчи» хисобидан қопланади.
- 3.2 «Буюртмачи» олдиндан 30% миқдорида толовни амалга оширади хамда тўлиқ хисоб-китобни «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 70% толовини амалга оширади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Буюртмачи» томонидан олдиндан толов амалга оширилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичida “Пудратчи” томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар 20 иш куни муддат ичida якунланиши шарт.
- 4.2 «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги курилиш коидалари ва меъёрий талабларига мувофик бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди..
- 4.3 «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя килган холда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.
- 5.2 «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараённида бажарилаётган ишларни лойиха смета хужжатларига мослигини ва сифатини назорат килиб боради..
- 5.3 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган **Шакл-2**

далолатномаларини кабул килиб олади.

5.4 Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аникланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Пудратчи» га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аникланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблаги ва ўз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

6.1 Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон икинчи томонга етказилган зарарни тулик коплайди.

6.2 Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим булган таъмираш ишлари белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар кийматини 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи» га жарима тулайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3 «Пудратчи» томонидан таъмираш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса, туланмаган сумманинг 0,4% микдорида хар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи» га жарима тулайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси утказиб берилмаган маблаглар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажармаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошка енгиб булмас куч холатлари натижасида келиб чикса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартериш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг икелишуви билан хал қилинади. Узаро келишилмаса хужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги Қонунлар тартибида хал қилинади.

8.2 Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

8.3 Ушбу шартнома 2022-йил “19 “ 11 ” дан 2022-йил “31 “ 12 ” гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Фазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ПУДРАТЧИ”

“NEW-PROF-STROY” МЧЖ

Манзил: Фарғона вилоят, Кувасой шахар,

Валик МФЙ: Шодиёна кўчаси 105-үй

Тел/факс: +99891 667-13-83

х/р: 20208000005433035001

Банк номи: “INVEST FINANCE BANK”

Фарғона вилояти филиали

МФО: 01128

ИНН: 508821214

Рахбар:
NEW-PROF
STROY

К. Гафуров

“БЮРЫТМАЧИ”

Дангарा туман 2-сон қасб-хунар мактаби

Манзил: Фарғона вилоят, Дангарा туман,

Тангириқул МФЙ: Бахор кўчаси 20-үй

Тел/факс: +99873 572-73-50

х/р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.ББ.

ИНН: 201122919

МФО: 00014

х/р: 100010860302367092901079002

ИНН: 200165066 ОКОНХ: 92120

Б. Мирхамидов



ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

19.11.2022 йил

Кўқон шахри

Мен, Кўқон шахар “GRAND ADVOKAT” адвокатлик фирмаси адвокати Г.Обидова ушбу куни “NEW-PROF STORY” МЧЖ ва “Данғара туман 2-сон касб-хунар мактаби” ўртасида 19 ноябрь 2022 йилда тузилган 8-сонли бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга иситиш тизимини жорий таъмиrlаш ишларини бажариш бўйича пудрат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги” Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хукукий экспертизадан ўтказиб:

- 1.Шартноманинг умумий суммаси 192 000 000 (бир юз тўқсон икки миллион) сўмга тенг эканлиги, шартномага асосан Пудратчи Буортмачининг Данғара тумани Тангирул МФЙ, Баҳор кўчасидаги 20-уй манзилида жойлашган “Данғара тумани 2-сон касб-хунар мактаби”нинг спорт зал том ва ички кисмини жорий таъмиrlаш ишларини 2022 йилдаги 4 ноябрь кунги № 22110012177351-ракамли лотга асосан лойиха-смета хужжатлари бўйича бажарилиши кайд этилгани;
- 2.Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш тартиби, муддати, хисоб-китоб килиш усуслари ва тартиби, томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда бошка шартноманинг умумий қоидалари конун асосида белгилаб қўйилганлигини;
- 3.Шартномада тарафлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар имкон қадар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилиниши, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса низони тегишлилигига кўра иктисадий судига мурожаат қилиш орқали Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Конунлар тартибida ҳал қилиниши кўрсатилганлигини;
- 4.Тарафларнинг тўлиқ реквизитлари ва почта манзиллари ҳамда бошка маълумотлари тўлиқ кўрсатилганлигини

АНИҚЛАДИМ

Юкоридагиларга асосан “NEW-PROF STORY” МЧЖ ва “Данғара туман 2-сон касб-хунар мактаби” ўртасида 19 ноябрь 2022 йилда тузилган 8-сонли бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга иситиш тизимини жорий таъмиrlаш ишларини бажариш бўйича пудрат шартномасини амалдаги конун хужжатлари асосида тузилган деб хисоблайман, ҳамда тарафларга ўзаро муносабатларни амалга оширишда мазкур шартнома асосида зиммаларига олган Мажбуриятларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси конунчилигига риоя этилишини катъий назорат этишларини тавсия киламан.

Кўқон шахар “GRAND ADVOKAT”
адвокатлик фирмаси адвокати
(Фарғона вилоят Адмия бошқармаси томонидан
08.01.2019 йилда берилган
№ 0253-сонли лицензияга асосан)



Г.Обидова